

261- сонли ШАРТНОМА  
(Лойиҳавий таъминлаш)

Тошкент ш.

“29” ноябр 2022 йил

Бундан буён Буюртмачи деб юритиладиган “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК номидан директор Д.Исаев ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган “O'zbo'loyiha loyiha-qidiruv instituti” ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор в.б. О.Раджабов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сонли қарори, Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг 2022 йил 1 ноябрдаги VI-67-130-2-0-К/22-сонли қарори, тасдиқланган лойиҳа-қидирув ишлари манзилли рўйхати ва Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 17 ноябрдаги Лот-185110 баёнига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда М37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг 258,5 км қисмидаги "Галаосиё" деҳқон бозорига киришда ер ости пиёдалар ўтиш йўлини куриш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мазкур ҳужжатларни белгиланган тартибда Буюртмачига топшириш мажбуриятларини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Бажариладиган ишлар 2022 йил “15” ноябр да тасдиқланган топшириққа ва соҳага оид қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Шартнома лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга, қидирув ишларини бажаришга, лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли экспертиза кўригидан ўтказиш, муаллифлик назорати олиб бориш ва техник шартларни ва АПЗ тайёрлаш, объектнинг лойиҳавий таянч нуқталарини жойида боғлаш (разбивка) билан боғлиқ бошқа ишларга тузилган.

1.4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қидирув ишларини бажариш, ижобий экспертиза ҳулосасини олиш ва буюртмачига топшириш ишлари, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган кундан бошланиб, 25 кун муддатда тугатилади (муаллифлик назорати ишларидан ташқари). Ушбу муддатларда бажарилмаган ишлар учун белгиланган тартибда пеня ҳисобланади ва ундирилади.

1.5. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларига ижобий экспертиза ҳулосасини олгандан сўнг 15 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Кейинги йилга ўтувчи қисми учун кўшимча келишув расмийлаштирилади.

### 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг баҳоси 1-иловага мувофиқ ҚҚС билан 160 000 000 (бир юз олтинчи миллион) сўмни (шундан 2022 йил 157 000 000 (бир юз эллик етти миллион) сўми лойиҳа ва қидирув ишларини ишлаб чиқишга, 3 000 000 (уч миллион) сўми объектда муаллифлик назорати ишларини бажариш учун ташкил қилади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиҳа ишларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 15 кун ичида жорий йилда бажариладиган ишлар ҳажмидан 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Пудратчи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг 15 кун ичида ажратилган аванс маблағи миқдори тўлиқ ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачи томонидан кўриб чиқилиб, пудратчи томонидан экспертизага тақдим этилгандан сўнг, жами ишлар ҳажмининг 70% фоиз миқдоригача тўлов учун қабул қилинади.

Объект бўйича экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг ва 3 (уч) нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлари Буюртмачига юк хати орқали тақдим этилгандан кейин қолган маблағ (муаллифлик назорати харажатларидан ташқари) топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, (мазкур шартноманинг 2.3-бандига асосан) молиялаштирилади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.



2.6.Экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг курилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган ҳолда қайта кўриб чиқиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

### **3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажариб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши; тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг ёки бажарилган қидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво аризасидан ишда қатнашишга Пудратчини жалб қилиши шарт.

3.2. Пудратчи Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиққандан сўнг, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиб, ижобий хулоса олишни ўз зиммасига олади.

3.3. Пудратчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Пудратчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.4. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.5. Пудратчи Лойиҳа ва қидирув ҳужжатлари асосида объект курилиши жараёнида муаллифлик назоратини амалга оширади.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш Лойиҳа-смета ҳужжатларини бажариш топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Пудратчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслиқнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

4.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

### **5. Конфиденциалмаълумотларниҳимоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Пудратчи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

### **6. Қўшимча шартлар**

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-бандига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.





6.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади. Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида эътироз тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

6.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш, шартномани бир тарафлама бекор қилиш мумкин эмас.

6.4. Пудратчи шартномада кўрсатилган ишларни бажариш учун, Буюртмачини ёзма равишда маълум қилган ҳолда, учинчи шахсларни ўрнатилган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

6.6. Буюртмачи томонидан топшириш-қабул қилиш ва бошқа лозим ҳужжатлар, далолатномалар расмийлаштирилгандан сўнг тўловлар билан боғлиқ ўз мажбуриятлари кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўланади, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

6.7. Пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва буюртмачига топшириш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.8. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.9. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.10. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча қадар амал қилади.

6.11. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### “Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК

100000. Тошкент шаҳри,

Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.

Тел: (71) 237-32-04

х/р: 3018 2186 0064 0170 45 121 118 001

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 304 803666

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

### “Пудратчи”

“O'zyo'lloyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК

100000, Тошкент шаҳри,

Мирзо Улугбек тумани

Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй

Тел: 71-237-15-08

Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001

АТИБ «Ипотека банк»

Яшнобод туман филиали

МФО: 00959, ИНН 305 756 527

  
Директор \_\_\_\_\_ Д.Исаев

  
Директор в.б. \_\_\_\_\_ О.Раджабов



2022 йил "22" 11 даги  
261-сонли шартномага 1- илова

## Шартнома баҳосининг келишув

### БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо чекувчилар М37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг 258,5 км қисмидаги "Галаосиё" деҳқон бозорига киришда ер ости пиёдалар ўтиш йўлини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил "22" 11 даги 261-сонли шартнома баҳоси жами ҚҚС билан 160 000 000 (бир юз олтмиш миллион) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

#### “Буюртмачи”

“Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУК  
100000.Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-уй.  
Тел: (71) 237-32-04  
х/р: 3018 2186 0064 0170 45 121 118 001  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ҳазначилиги Амалиёт бошқармаси  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО: 00014 ИНН: 304 803666  
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББ ХКМ

#### “Пудратчи”

“О’зю’лоyiha loyiha qidiruv instituti” ДУК

100000, Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустақиллик шоҳ кучаси 68-уй  
Тел: 71-237-15-08  
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001  
АТИБ «Ипотека банк»  
Яшнобод туман филиали  
МФО: 00959, ИНН 305 756 527



Директор \_\_\_\_\_ Д.Исаев



Директор в.б. \_\_\_\_\_ О.Раджабов



2022 йил "22" "11" даги  
261-сонли шартномага 2- илова

М37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг 258,5 км қисмидаги "Галаосиё" деҳқон бозорига киришда ер ости пиедалар ўтиш йўлини қуриш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

### БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш (Шартноманинг 1.4 банди асосида)		Молиялаштириш (Шартноманинг 2.3 банди асосида)	
			2022 йил	2023 йил	2022 йил	2023 йил
	Аванс маблағи				47 100,000	
1	Топография ва геология ишлари, диагностика ишлари, Атроф муҳитга таъсир баёни (ЗВОС), АПЗ тайёрлаш, Лойиҳа-смета ишлари, Экспертиза харажатлари	157 000,000	157 000,000		109 900,000	
2	Муаллифлик назорати	3 000,000		3 000,000		3 000,000
	<b>Жами ҚҚС билан:</b>	<b>160 000,000</b>	<b>157 000,000</b>	<b>3 000,000</b>	<b>157 000,000</b>	<b>3 000,000</b>

Буюртмачи



Пудратчи



Handwritten signatures in blue ink at the bottom left of the page.

Ишчи лойиҳа - смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш шартнома лойиҳаси бўйича

## ЮРИДИК ХУЛОСА

(Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ)

2022 йил 21 ноябрь

Тошкент ш.

"Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси" ДУК (Кейинги ўринларда – Буюртмачи деб юритилади) ва "O'zyo'lloyiha loyiha qidiruv instituti" ДУК (Кейинги ўринларда – Пудратчи деб юритилади) ўртасидаги М37 "Самарканд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг 258.5 км. қисмидаги "Галаосиё" деҳқон бозорига киришга ер ости пиёдалар ўтиш йўлини қуриш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ва ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳақидаги шартномаси лойиҳаси (Кейинги ўринларда – Шартнома деб юритилади)ни Буюртмачининг Юридик хизмати ҳуқуқий экспертизадан ўтказди.

Ҳуқуқий экспертиза натижасида қуйидагилар аниқланди:

Шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу жумладан кодекснинг 37-боб талаблари ҳамда бошқа Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шартномадан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлик меъёри Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боб талабларига мувофиқ келади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сонли қарори, Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг 2022 йил 1 ноябрдаги VI-67-130-2-0-К/22-сонли қарори, Танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил 17 ноябрдаги (лот 185110) баенларига асосан тузилганга асосан тузилган.

Мазкур хулоса Шартнома лойиҳаси шартларининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши ҳусусида берилди.

Юрисконсулт



Ш.Батиров